
СЎХ ТУМАНИДА “ДЎСТЛИК” БОЗОРИ ОЧИЛДИ

Давлатимиз мустақиллигининг 33 йиллиги байрами арафасида Сўх туманида бир қатор янги бино-иншоотлар фойдаланишга топширилди. Булар қаторида Соҳибкор МФЙдаги Ўзбекистон-Қирғизистон чегара назорат-ўтказиш пункти ҳудудида жойлашган янги “Дўстлик” бозорини очилиши байрамга икки халқ учун катта совға бўлди.

Очилиш маросимида сўз олганлар томонидан сўнгги йилларда икки халқ ўртасида мустақамланиб бораётган дўстлик ришталари ҳамда икки томонлама ҳамкорлик хусусида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Тадбирда қўшни Қирғизистон фуқаролари ҳам қатнашди.

Мазкур савдо мажмуасида савдо-сотиқ билан шуғулланадиган тадбиркорлар учун 410 та савдо растаси ва 60 та ёпиқ дўконлар ташкил этилган.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-08-31 15:51:33